



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
«МАКРОИҚТИСОДИЁТ» кафедраси



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI  
ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТНИ  
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ СТРАТЕГИЯСИ:  
МУАММОЛАР ВА ИННОВАЦИОН  
РИВОЖЛАНИШГА ЎТИШ ЙЎЛЛАРИ

*Respublika ilmiy-amaliy anjumanini*

**МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИ ТЎПЛАМИ**

*2011 йил 21 апрель*

*(Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги  
ва Тошкент давлат иқтисодийот унiversitetининг  
80 йиллик юбилейига бағишланади)*

ТОШКЕНТ – 2011



## КИРИШ

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб босқичма-босқич амалга оширилган иқтисодий ислохотлар натижасида мамлакат тараққиётининг янги тавонлиги, қонунийлик, иқтисодий, техник-технологик ҳамда молиявий тизимлари ва механизмлари яратилди. Булар ҳаммаси бугун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этган бир вақтда миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожланиши учун муҳим рольдор бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбари И. Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январдаги қарорига асосланган рақобатбардорлиқни оширишда кичик бизнес ва кичик таълимнинг ривожланиши таъминлаш борасида амалга оширилган ишларга баҳо берам: "Биз бугун 2010 йил якунларини баҳолаб эканмиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори барқарор ўсиш суръатлари ва макронисодий мутаносиблиги сақланиб қолганини қайд этиш зарур"<sup>1</sup>, - деб алоҳида таъкидлади. Ва шу билан бир қаторда мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида иқтисодий ўсишнинг устувор йўналишларини ва вазифаларини асослаб берди. Ана шу вазифалар назму-моҳиятини, уларнинг аҳамияти ва зарурлигини кенг амалга, аynикса талаба ёшларга тунувтириш ўта муҳим таълим-тарбия аҳамиятга эга чоралар қаторига киради.

Шуларни инобатга олиб ушбу тўпламда, энг аввало, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисидаги мамлакатимиздаги демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг стратегияси, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, шунингдек иқтисодиёт тармоқлари ва унинг қорхоналарини ривожлантиришнинг инновация йўлига ўтиш, саноат соҳаларини модернизация қилиш ҳамда уларга инвестициялар жалб этиш, худудларда инновацион лойиҳаларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳамда касаначиликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш соҳаларида эришилган натижалар, мавжуд муаммолар ва ҳал этилиши зарур бўлган вазифалар, илмий-амалий тадқиқотларни кенгайтириш бўйича муаллифлар тадқиқотлари, тақлифлар ва тавсиялари ўрин олган.

Маърузалар тўплами олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, талабалар ҳамда иқтисодиёт ривожига билан кизикувчиларга мўлжалланган.

Алматова Д.С.	Иқтисодиёт рақобатбардорлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари	282
Исмаилов Д.А., Исмаилов Р.Б.	Қурилиш соҳасига инвестициялар жалб қилишнинг аҳамияти ва бошқарув самарадорлигини ошириш йўллари	283
Жаҳонгиров И.Ж.	Хорижий инвестициялар - мамлакат иқтисодиётининг ривожлантириш гарови	285
Камолитдинов И.М.	Кичик бизнесни барқарор ривожлантиришда фермер хўжалиқларининг ўрни	286
Бердимуратов Д.У.	Саноат тармоғида кичик бизнесни ривожлантириш ва рақобатбардорлигини ошириш йўллари	288
Темиров А.А.	Кичик қорхоналар фаолиятида молиявий стратегия ва уни ишлаб чиқиш йўллари	289
Муратов Х.И.	Қасб-хўнара коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш	291
Отажонов Ш.Э.	Миллий иқтисодиётнинг ривожланишида ташқи иқтисодий фаолиятнинг ўрни	292
Шайдуллаев Б.Н.	Созланиш свободных экономических зон в Узбекистане в условиях Мирового финансово - экономического кризиса.	294
Вафоев Б.Р.	Телекоммуникация қорхоналарининг маркетинг фаолияти самарадорлигини баҳолашда рейтинг услубидан фойдаланиш	295
Рузметова Х.Н.	К вопросу о роли процессного подхода в управлении организацией	296

<sup>1</sup> Каримов И. Барча режа ва дастурларимиз Ваганимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга асосат қилади. //Халқ сўзи, 2011 йил 26 январь, №16.



### Саноат тармогида кичик бизнесни ривожлантириш

Мамакатимизда 2011 йилни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши ва ушбу соҳага ургу кўпроқ берилаётгани бежиз эмас.<sup>1</sup> Хозирги вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик бизнес субъектлари сони қарийб 455 миңга етган, бу маъкур кўрсаткичнинг сўнгги 5 йил мобайнида 1,5 баробар кўпайганини билдиради. Ҳар 1000 кишига тўғри келаётган кичик бизнес субъектлари сони 2000 йилда 6 тани ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, бу кўрсаткич 17 тани ташкил этмоқда.

2010 йилда кичик бизнеснинг саноат маҳсулоти ишлаб чиқариши 6568,8 млрд. сўми ёки умумий саноатнинг 19,6 фоизини ташкил қилди. Шу жумладан:

- кичик корхоналар 3686,1 млрд. сўм ёки 56,1 фоиз;
- микрофирмалар 1501,2 млрд. сўм ёки 22,9 фоиз;
- яққа тадбиркорлар томонидан 1381,5 млрд. сўм ёки 21,0 фоиз маҳсулот ишлаб чиқарилган.

Фикримизча, ташкил этилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кўпроқ ишлаб чиқаришга йўналтирилса самаралироқ бўлади. Бугунги кунда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аксарият қисми савдо-сотиқ ва умумий оқватланиш хиссасига тўғри келиб қолмоқда. Ваҳоланки, бу тармоқда мамлакатимизда ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш имкониятлари камта.

Агар ҳом- ашё ва материалларни қайта ишловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти ривожлантирилса, бу биринчидан, халқимизнинг маҳсулотларга бўлган талабни қондиради, иккинчидан, хомашё экспортини қаматириб, балки уларни тайёр маҳсулот импорти ва валютани ташқи давлатларга оқиб чиқиб кетиши қамалди. Учинчидан, хомашё ва материалларни қайта ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар бошқа тармоқларга нисбатан кўпроқ ишчи кучларини таллаб қилади. Бу эса маъжуд ишсизлик масалаларини хал этишга ёрдам беради.

Саноат корхоналари учун қулай шарт-шароитлар яратилиши лозимдир. Бунинг учун қўйидагиларга эътибор қарағиш керак.

- ички ва ташқи бозорларнинг маркетнинг талқиқотларини амалга ошириш, саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсишини статистик ўрганиш ва баъпорат қилиш;
- аҳоли ўртасида харидорлиқ бўлган юқори сифатли саноат маҳсулотлари билан мамлакат истеъмол бозорини тўдириллишини таъминлаш;
- соҳанинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш, кичик корхоналар томонидан рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилишини кўпайтириш ҳамда уларни жаҳон бозорларига йўналтириш;

• пахта толасидан, бошқа маҳаллий хомашё ва материаллар манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;

• соҳада янги техника ва инвестиция сўбасини ўтказиш, саноат корхоналари мамлакатнинг аҳоли зич яшайдиган ҳудудларида жойлаштирилиши ташкил қилиш;

• замонавий технологияларни жорий этиш, янги ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; корхоналарнинг янги техника билан жиҳозланиш учун хорижий сармояларни кен жалб этиш;

• бозор ишловларини самарали амалга ошириш учун мутахассис кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш зарур бўлади.

Назариядан маълумки, ишлаб чиқариш индустри чизи ва ташқи бозор ташкилини ўлжувез қондиришга мосланган бўлиши, ва бунга ихтисосий индустри стратегик йўналишларини бирдек дифференциациядан оқсали эришилади. Ички ва ташқи бозор талабини барқарор қондириш учун кўпгина омилларни ҳисобга олиш зарур. Бу омиллар

(товар хусусияти, ишлаб чиқариш харажатлари, товар таннари, талаб, сотиш ҳажми ва каналлари, даромад ва бошқалар) таъсирини ахборот технологиялари ва тизимли ихтисосий математик моделларни қўллаш орқали аниқлаш ҳам юқори самара беради.

Хулоса қилиб айтганда, кичик саноат корхоналари қашоқ хўжалиги, транспорт, ижтимоий соҳа ва бошқа барча йўналишларни ўзида қамраб олган мураккаб динамик тизимдир. Саноат тармоқлари ривожланиш мутаносиблиги ўзини даражаси ва ишлаб чиқариш самарадорлиги, асосан бошқариш даражасининг сифатига боғлиқ. Шундай экан, тизимли ихтисосий моделлаштириш, кучли, барқарор ўсешга эга бўлган давлатлар таърибаен асосида саноат тармоқларини бошқаришни оптималлаштириш бугунги куннинг энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадк. А.А. Темиров,  
ТДУУ

### Кичик корхоналар фаолиятида молиявий стратегия ва уни ишлаб чиқиш йўллари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш соҳасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилган, бироқ бу соҳада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, "...мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнестга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсик ва говларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозим".<sup>1</sup>

Бунинг баробарида ихтисосиятнинг хозирги шароитини ўзгарувчанлик тезлиги кичик корхоналарни бозорда ўз ўрнида қолтириш ва ривожланишининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқиш заруратини юзга келтирмоқда.

Кичик бизнес субъектларининг фаолиятини ривожлантиришда қуйидаги йўللardan бири танланилиши мумкин. Булар:

1. Йўриқ корхонага айланиши мумкин.
2. Ўрта корхонага айланиши мумкин.
3. Кичик корхонага айланиши мумкин.
4. Хусусий тадбиркор фаолиятига ўтиб кетиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган йўналишlardan қайси бирини танлаш унинг бошқаруви томонидан қабул қилинадиган қарор асосида бажарилди.

Кичик корхоналарнинг фаолиятини амалга ошириш давомида ҳар томонлама тўлиқ ва ишончли ишлаб чиққан ривожланиш стратегиялари уларга ўз ривожланишининг молиявий имкониятларини тўғри баҳолаш ва келгусидаги йўналишларига молиявий маблағларни сарфлаш учун имкониятлар яради. Уларнинг муваффақиятли молиявий фаолияти нафақат менежментнинг жорий ишидаги замонавий ва тўғри қарор қабул қилишга, балки молиявий тизимдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолдаги ишлаб чиқилган стратегия масалаларига ҳам боғлиқ. Фикримизча, корхоналар фаолиятининг ихтисосий асоси ва дастаклари ичда стратегик молиявий режалаштириш алоҳида назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Бозор ихтисосияти шароитида фойда олиш ва ўз молиявий ресурсларини кўпайтириш ҳар қандай корхонанинг асосий мақсади ҳисобланадики, бу нарса молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни, уларни талқил этиш манбаларини аниқлаш, уларни кўпайтиришнинг ички имкониятларини қидириб топишга қаратилган молиявий стратегияни ишлаб чиқишнинг талаб этади. Бироқ, кичик корхоналарнинг ривожланиш стратегияси ишлаб чиқишни стратегиясига қўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Корхона молиявий стратегияси корхона бошқарушининг молиявий ва стратегик жиҳатларининг бирлашуви бўлиб, молиявий тараққиётнинг узок муддатдаги бош йўналишини ифода қилади. Корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш унинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларамиз ваганимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга ҳизмат қилади. // Халқ сўзи, 22 январь, 2011 й.



тадбиркорлик фаолиятини асосий йўналишларини аниқлашдан бошланади. Бундан келиб чиққан ҳолда унинг амалга оширилиш шакллари белгиланади ва яқиний танлов бажарилади. Молиявий стратегия иқтисодий стратегиянинг бир қисми бўлиб, корхонанинг умумий стратегиясини амалга оширилишига кўмаклашади.

Ҳар қандай корхонанинг молиявий фаолияти доирасида икки тенг муҳим бўлган вазифа мавжуд:

1. Хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун ресурсларни жалб қилиш масаласи.
2. Олинган ресурсларни тақсимлаш вазифаси (инвестициялаш).

Инвестицион ва кредит стратегияларининг умумлашган шакли корхонанинг молиявий стратегиясини ташкил этади.

Корхоналарнинг ривожланиши ҳозирги кунда тўғри ташкил этилган молиявий фаолиятга ҳамда унинг доирасидаги кредит ва инвестицион фаолиятларга бевосита боғлиқдир. Корхонанинг реструктуризацияси ва ўз-ўзини бошқариш тузилмасини шакллантириш қатта микдордаги юридик шахсларнинг бир-бирига боғлиқ ҳаракатини юзга келтиради, бу эса корхонанинг менежментидан молиявий ва инвестицион стратегияларни қуйидаги мақсадларга йўналтирилган тамойилларини ишлаб чиқишни тақозо этади:

- солиқ муносабатлари бўйича корхоналарнинг бўлимларини бирлаштириш;
- корхоналарни қўллиниши натижасида кўпимча ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш;

• воситачилик орқали корхонада турли хилдаги товарларни ишлаб чиқариш ва етказиб беришни юзга чиқариш;

• корхонанинг манфаатларига риоя қилинган ҳолда ягона сўёсат ва назоратнинг олиб борилиши;

- диверсификация жараёнини тезлаштириш;
- ички инвестиция оқимларини ташкил этиш;
- бошқа корхоналар капиталда қатнашиш ва бошқалар

Бундан ташқари кичик корхонанинг молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширилиши улар фаолиятида барқарор фойда даражасини, маҳсулотларга талаб микдорининг ўсишини, ликвидлик ва муқобил риск даражасининг сакланишини таъминлашга қаратилган молиявий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг узок муддатли йўналишларини олиш имкониятини таъминлашга хизмат қилади.

Кичик бизнес корхоналарида молиявий тартибга солиш жараёнини ўрганиш унинг алоҳида элементлари биргаликда амал қилиши нукта-назаридан бу фаолиятни амалий вазифаларни ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштириш ҳамда корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқишда қарорлар қабул қилишнинг кетма-кетлигини тузишга имкон беради. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Маълумотларни йиғиш.
2. Ташқи чекловлар ва имкониятлар тизими таъсирини ҳисобга олиш.
3. Корхона ички текширувни ўтказиш ва корхонага ташқи ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг таъсирини баҳолаш орқали корхона стратегик мақсадларини икки ёқлама назорат қилиш.
4. Стратегик молия режаси кўринишида аниқ бир стратегияни танлаш ва амалга ошириш.

Биз тақриф этган кичик корхона молиявий стратегиясини ишлаб чиқишнинг кетма-кетлиги бозор муносабатларининг келгуси тараққиётига асосланган бўлиб, туғалланган аҳамият қасб этмайди ва келгусида янада аниқлаштирилиши ва такомиллаштирилиши мумкин.

Кичик корхона молиявий фаолиятида инвестицион қарорлар қабул қилиш масаласи ҳамда турли тадбирларни молиялаштириш юзасидан қарорлар алоҳида ажратиб қаралсада, буларнинг ҳаммаси биргаликда корхона молиявий стратегиясининг асосини ташкил этади.

Кичик корхона молиявий менежерининг асосий вазифаси ҳар икки қарорнинг қорхона умумий ҳолатига таъсирини аниқлашдан иборат. Амалийда ҳар иккала қарор ўзаро муносабатини инкор этиш ёки ҳисобга олмаслик ноҳуш ҳолатларга олиб келиши мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, молиявий стратегия қорхона фаолиятида учрайдиган ҳар қандай қарорларнинг умумий йиғиндисидан иборат бўлмай, балки ягона мақсадга қаратилган қарорлар тизими бўлиб, уларнинг ҳар бири яқиний стратегиянинг турли йўналишларини ифодаловчи таркибий қисмдан иборат бўлиши керак.

Тадк. Х.И. Муратов,  
ТДИУ

### Касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш

Аҳоли таркибидан маълумки, меҳнат бозорига тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар ичида битирувчи ёшлар юқори улушга эга. Ўзбекистон Республикаси Президентини И.А. Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида 2011 йилда касб-хунар коллежларини такомиллашган 450 мингдан ортиқ ўқувчини ишга жойлаштириш масаласи эътиборимиз марказида бўлиши даркорлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Тавлимни ривожлантириш ислохотлари ва қарлар тайёрлаш миллий дастурининг амалга оширилиши натижасида республикамизда ёшларнинг касб-хунар коллежларига бўлган қизиқишлари тора ортиб бормоқда. Шунга мос равишда коллежлар битирувчилари сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, 2008 йилда касб-хунар коллежларини 238,4 миң нафар ёшлар битириб чиққан бўлса, 2010 йилда уларнинг сони 1,7 мартага ошган ва 400,9 миңгача ташкил этган. Шу ўринда айтиш керакки, касб-хунар коллежини битирувчилари сони ошиши билан бир қаторда улардан ишга жойлашганлар улуши ҳам ортиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда битирувчиларнинг 95,6%, 2009 йилда 80,7% қисми ишга жойлаштирилган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилда 81,5% га тенг бўлган.

Касб-хунар коллежлари фаолиятидаги энг заиф бўгин ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

- 1) 9-синф битирувчилари касб-хунар тавлими билан тўлақонли камраб олинишини назарда тутган ҳолда, уларни ўқитишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш.
- 2) Ўқитувчилар таркибининг тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш.
- 3) Касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқайтган битирувчиларни ишга жойлаштириш.

Шу билан бирга, бугунги кунда касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқайтган битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида корхоналарга квота иш ўринларини шакллантирилмоқда; меҳнат органлари касб-хунар коллежлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда; касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда касб-хунар коллежларини тамомлаб чиқайтган битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида корхоналарда квота иш ўринлари шакллантирилмоқда; меҳнат органлари касб-хунар коллежлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда; касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар